

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Коллежларда ўқиш пулли бўлади

Президентнинг 3.02.2018 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ–3504-сон қарори эълон қилинди.



Маълумки, Президентнинг 25.01.2018 йилдаги ПФ–5313-сон Фармонида белгиланишича, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб касб-хунар коллежларида фақат 11-синфлар битирувчилари ўқишга қабул қилинади. Бунда 2017/2018 ўқув йилида қабул қилинган ўқувчилар (ҳозир улар биринчи

курсда таҳсил олмақдалар) ўқишни тўлиқ тугатганига қадар коллежларнинг харажатлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланади. Таълим муассасаларининг ўзи вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ҳамда йирик корхоналар балансига берилади.

Шундан келиб чиқиб, қабул қилинган ҳужжат билан касб-хунар коллежлари фаолиятини молиялаш манбалари белгиланди:

Вазирликлар ва идоралар тузилмасида	Ҳўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ва йирик корхоналар тузилмасида	Кўп тармоқли касб-хунар коллежлари
Тўлов-контракт асосида ўқиш учун тушадиган маблағлар		Ота-оналар ва ҳўжалик юртувчи субъектлар, шу жумладан тадбиркорлик субъектларининг тўлов-контракт асосида мутахассисларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш учун маблағлари
Вазирликлар ва идораларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари	Ҳўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ва йирик корхоналарнинг маблағлари	
Қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалардан тушган маблағлар		

Шунингдек, касб-хунар коллежларида ўқиш учун давлат грантлари (минтақаларда 3 йил ишлаб бериш шарти билан) ажратилиши режалаштирилмоқда. Тўлов-контракт асосида ўқиш қиймати миқдорини эса Молия вазирлиги Касб-хунар таълими маркази ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари билан келишган ҳолда белгилайди. Бироқ қарорда 9-синфни тугатгандан кейин

ўқишга қабул қилиб бўлинган касб-хунар коллежлари ўқувчиларига таълимнинг тўлов-контракт шакли қўлланиши назарда тутилмаган.

Ҳўжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 3.02.2018 йилдан кучга кирди.



Тошкент шаҳар статистика бошқармаси эслатади:


➤ микрофирма ва кичик корхоналар 1-КВ (йиллик) «Микрофирма ва кичик корхонанинг 2017 йил учун ҳисоботи» шаклидаги давлат статистика ҳисоботини 2018 йил 26 февралдан кечиктирмай, чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги микрофирма ва кичик корхоналар эса – 2018 йил 26 мартдан кечиктирмай топширишлари зарур;

➤ хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари 8-ком шакли (йиллик) «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолияти тўғрисида»ги 2017 йил учун давлат статистика ҳисоботини 2018 йил 15 февралдан кечиктирмай топширишлари зарур.



Давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган давлат статистик ҳисоботларини ўз вақтида топширмаган, давлат статистика ҳисоботлари маълумотларини бузиб кўрсатган ёки топшириш муддатини бузганда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215-моддасида назарда тутилган маъмурий жавобгарлик қўлланилишига сабаб бўлади.

Маълумот учун телефонлар: 230-88-07, 230-88-08, 230-88-29.



Бугунги кунда «Halal» белгиси остида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга Европа иттифоқи, АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Канада, Хитой, Ҳиндистон, Лотин Америкаси давлатлари, Янги Зеландия ва Таиланд каби мамлакатларда ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Ҳалол» стандарти рақобатбардошликни таъминлайди

МДХ мамлакатлари, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Эрон, Иордания, Миср, Баҳрайн каби мусулмон мамлакатлари «Ҳалол» белгиси остида ўз маҳсулотларини экспортга чиқариб улгурган. Биргина Бирлашган Араб Амирликлари 200 дан ортиқ давлатлар билан савдо-сотиқ ишларини амалга оширади, бунда маҳсулотларни экспорт қилиш учун «Ҳалол» белгиси билан сертификатланган маҳсулот талаб этилади.

«Ўзстандарт» агентлиги томонидан «Ҳалол» стандартининг қабул қилинганлиги ва унинг юртимиздаги тадбиркорлик фаолиятидаги ўрни ҳамда маҳсулотларимизнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлашдаги аҳамиятига бағишланган матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз юритилди.

«Ўзстандарт» агентлиги бош директори ўринбосари Ж.Шукуров ва бошқалар мамлакатимизда туризм соҳасини жадал ривожлантириш, унинг иқтисодиётдаги аҳамияти ва ҳиссасини ошириш, туристик хизматлар сифатини юксалтириш ҳамда яхшилаш, унинг инфратузилмасини кенгайтиришга қаратилган бир қатор ислохотлар амалга оширилаётганлигини таъкидлади.

Агентлик томонидан ривожланаётган мамлакатларнинг туристик инфратузилмаси ҳолати ва экспорт потенциалини ошириш механизми ўрганилди. Яъни сайёҳларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, сифатли ва қулай хизматлар кўрсатиш орқали туризм соҳасини ривожлантириш учун кўпгина мамлакатларда «Ҳалол» стандартлари бўйича маҳсулотларни ишлаб чиқариш, шу жумладан, овқатлаш хизматлари тизимининг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимизнинг «Мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дук-какли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (6.11.2017 йилдаги ПҚ-3377-сон) асосида «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тадбиркорларга янада қулайлик яратиш мақсадида «Ҳалол» стандарти қабул қилинди.

ЎЗА materiali асосида.

Ушбу сонда:

4-БЕТ

Туризм: корхона ҳисобидан саёҳат


солиқ имтиёзлари

7-БЕТ

ЙПХ ва ППХ ходимлари учун видеокамералар

8-БЕТ

Дипломатик корпус учун техник кўрик



Тошкент шаҳар статистика бошқармаси эслатади

Кичик бизнес субъектлари фаолиятининг айрим турлари учун йиллик статистика ҳисоботининг асосий шаклига илова тарзида «1-KB shakliga ilova» топширилиши назарда тутилган:

№	Иловалар шакллари	Шакл номи	Топшириш мuddати	Топширадилар
1	1-KB shakliga ilova (QM)	Кичик қурилиш ташкилотлари ва микрофирмаларда мавжуд қурилиш машина ва механизмлар тўғрисидаги 2017 йил учун ҳисобот	26 февралдан кечиктирмай	Қурилиш соҳасида фаолият кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхоналар (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари)
			26 мартдан кечиктирмай	Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги микрофирма ва кичик корхоналар
2	1-KB shakliga ilova (qurilish)	Объектлар, қувватлари ишга тушириш ва уларнинг қурилишига йўналтирилган инвестициялардан фойдаланиш тўғрисида 2017 йил учун ҳисобот	26 февралдан кечиктирмай	Бино ва иншоотлар қурилишига инвестицияларни амалга оширувчи микрофирма ва кичик корхоналар (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари)
			26 мартдан кечиктирмай	Бино ва иншоотлар қурилишига инвестицияларни амалга оширувчи чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги микрофирма ва кичик корхоналар
3	1-KB shakliga ilova (TIF)	Экспорт-импорт тўғрисида 2017 йил учун ҳисобот	26 февралдан кечиктирмай	Хизматлар экспорти ва импорти ҳамда давлат чегарасини кесиб ўтмайдиган товарлар экспорт-импорти билан шугулланувчи микрофирма ва кичик корхоналар
4	1-KB shakliga ilova (sanoat)	Оқава сувларни марказлаштирилган ҳолда чиқариб юборишни, ободонлаштириш ва ёритиш ишларини амалга оширувчи, аҳолига ва маиший-коммунал эҳтиёжларга сув, иссиқлик энергияси ҳамда иссиқ сув етказиб бериувчи микрофирма ва кичик корхоналарнинг 2017 йил учун ҳисоботи	26 февралдан кечиктирмай	Оқава сувларни марказлаштирилган ҳолда чиқариб юборишни, ободонлаштириш ва ёритиш ишларини амалга оширувчи, аҳолига ва маиший-коммунал эҳтиёжларга сув, иссиқлик энергияси ҳамда иссиқ сув етказиб бериувчи микрофирма ва кичик корхоналардан ташқари)
			26 мартдан кечиктирмай	Чет эл инвестициялари ҳамда хорижий сармоя иштирокидаги микрофирма ва кичик корхоналар
5	1-KB shakliga ilova (energo)	Ёқилғи ва энергия сарфи тўғрисида 2017 йил учун ҳисобот	26 мартдан кечиктирмай	Асосий фаолият тури саноат бўлган кичик корхоналар
6	8-sanoat (kuzatuv anketa)	Саноат ташкилотларининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиши бўйича 2017 йил учун сўровнома	16 февралдан кечиктирмай	Йирик саноат ташкилотлари
			12 мартдан кечиктирмай	Кичик саноат корхоналари (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари)
7	1-KB shakliga ilova (QX)	Микрофирма ва кичик корхонанинг қишлоқ хўжалиги фаолияти тўғрисида 2017 йил учун ҳисоботи	3 апрелдан кечиктирмай	Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги кичик саноат корхоналари
			26 февралдан кечиктирмай	Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи микрофирма ва кичик корхоналар (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари)
			26 мартдан кечиктирмай	Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги микрофирма ва кичик корхоналар

№	Иловалар шакллари	Шакл номи	Топшириш мuddати	Топширадилар
8	1-KB shakliga ilova (EKO)	Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида микрофирма ва кичик корхонанинг 2017 йил учун ҳисоботи	26 февралдан кечиктирмай	Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларга эга, токсик ва нотоксик чиқиндилар ҳосил қиладиган ташкилотлар (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари)
			26 мартдан кечиктирмай	Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги микрофирма ва кичик корхоналар
9	1-KB shakliga ilova (AKT)	Ахборот-коммуникация технологиялари тўғрисида 2017 йил учун ҳисобот	26 февралдан кечиктирмай	Маълумотлар узатиш тармоғида, Интернетни қўшган ҳолда, хизмат кўрсатиш учун лицензияга эга бўлган микрофирма ва кичик корхоналар (провайдерлар, операторлар, хостинг марказлари ва бошқалар) (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари)
			26 мартдан кечиктирмай	Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги микрофирма ва кичик корхоналар
10	1-KB shakliga ilova (tib)	Аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхона фаолияти тўғрисида 2017 йил учун ҳисобот	26 мартдан кечиктирмай	Аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхоналар (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари)
				Аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги микрофирма ва кичик корхоналар
11	1-KB shakliga ilova (tur)	Ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш ва жойлаштириш тўғрисида микрофирма ва кичик корхонанинг 2017 йил учун ҳисоботи	12 мартдан кечиктирмай	Сайёҳлик-экскурсия ва жойлаштириш воситалари) хизматларини кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхоналар (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари)
			26 мартдан кечиктирмай	Сайёҳлик-экскурсия ва жойлаштириш (жамоавий жойлаштириш воситалари) хизматларини кўрсатувчи чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги микрофирма ва кичик корхоналар

Нотижорат ташкилотлари 2017 йил учун қуйидаги давлат статистика ҳисоботларини топшириши зарур:

№	Ҳисобот шакли	Ҳисобот шаклининг номланиши	Топшириш мuddати	Топширадилар
1	1-NNT shakli	Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти тўғрисида 2017 йил учун ҳисобот	2 мартдан кечиктирмай	Жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар
2	1-notijorat shakli	Нотижорат ташкилотининг фаолияти тўғрисида 2017 йил учун ҳисобот	16 февралдан кечиктирмай	Нотижорат ташкилотлари (жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари (ХУМШ)дан ташқари)

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муҳревлаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

«Хизматлар лицензияланган».

Марказдаги 65 кв.м офис ва бир участкадаги 200 кв.м турар жой (евротажмирдан чиққан) узоқ муддатга ижарага берилади. Тел.: (+998 90) 956-44-35, (+998 90) 956-54-42.

- ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР – Янги ҳужжатларни таҳдид этимиз 1, 3-4-бетлар
- СТАТИСТИКА ҲИСОБОТИ – Тошкент шаҳар статистика бошқармаси эслатади 1-2-бетлар
- РАСМИЙ ҲУҶЖАТЛАР – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори – «Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб чириш ва олиб чиқиб кетиш қондаларини тасдиқлаш ҳақида».

Идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат: – ЎзР ДСҚнинг «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ тегишувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 13 январдан 19 январгача бўлган маълумот

5-6-бетлар

- АВТОНОРМА – Автотра расмийлаштириш учун энди оширилган ставка қўлланилмайди
- ИПҲ ва ППХ ходимлари видеокамералар билан таъминланади
- ИХҚни бузган дипломатлар дипломатик ваколатхоналар билан қелишмаган ҳолда жарамага тортилади
- Автомобиллар билан боғлиқ битимлар автоматик ҳисобга қўйилади
- Техник қўриқдан ўтказиш учун янги тарифлар жорий этилди
- Дипкорпус – умумий асосларда

7-8-бетлар

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига қўра у ҳақдаги ахборотни ўқинчи шахсга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман чиқариб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



Журналист ва блогерлар Давлат туризм қўмитаси ҳисобидан саёҳат қиладилар

Президентнинг 6.02.2018 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Ташкилий тузилма ва ходимлар сонидаги ўзгаришлар

Давлат туризм қўмитаси, унинг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармаларининг янгиланган ташкилий тузилмалари тасдиқланди.

Марказий аппарат бошқарув ходимлари сонининг оширилиши босқичма-босқич рўйбга чиқарилади: 10.02.2018 йилдан – 79 бирликкача, 1.01.2019 йилдан эса – 107 бирликкача кўпайтирилади.

Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри Туризмни ривожлантириш департаментлари эса Қўмита ва ҳокимиятларнинг икки томонлама бўйсунувиға ўтди.

Давлат туризм қўмитаси учун хизмат автотранспортининг алоҳида лимити белгиланди. Қўмитаға 5 та шахсан бириктирилган (хорижий маслаҳатчиларға бириктирилганларни ҳисобға олмағанда), 1 та махсус (йўлсиз йўлларда юра оладиган), 2 та навбатчи автомобиль ва 1 та микроавтобус ажратилади. Бинобарин, мазкур автомобилларға йиллик километр масофа лимити татбиқ этилмайди.

Бундан ташқари, Қўмита ўзининг кўчмас мулкидан фойдаланиш учун идоравий мансуб ташкилотларига

ижара тўловлари учун ноль қиймат белгилаш, Давлат туризм қўмитаси раиси эса – марказий аппарат ходимлари, ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг раҳбарларини моддий рағбатлантиришнинг қўшимча дастакларини мустақил равишда белгилаш ҳуқуқиға эға бўлди.

Мамлакат туристик салоҳиятининг рекламасини молиялаштириш

Қўмитаға журналистлар, блогерлар ва суратға олиш гуруҳларини хорижға ва Ўзбекистон ҳудудларига Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти ҳақидаги репортажлар, видеороликлар тайёрлаш, Қўмита делегациялари ва туризм компаниялари иштирок этадиган кўргазма, музокара ва бошқа шундай тадбирларни ёритиш учун юбориш ҳуқуқи берилди.

Шу билан бирға, туризмни ривожлантириш мақсадида Давлат туризм қўмитасига Ўзбекистонни бошқа усулларда, шу жумладан ўз интернет-порталларини очиш, хорижий ОАВ билан шартномалар тузиш ва ўз ОАВини таъсис этиш ва молиялаштириш бўйича кенг ҳуқуқлар берилди.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 7.02.2018 йилдан кучға кирди.

Товарларни божсиз олиб кириш нормалари қайта кўриб чиқилди

Президентнинг 6.02.2018 йилдаги ПҚ-3512-сон қарори билан жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш янада тартибға солинадиган бўлди.

Хужжат билан жисмоний шахслар томонидан божхона тўловлари олинadиган товарларни мамлакатға олиб киришнинг чегаравий нормалари тасдиқланди. Бунда олиб кириладиган товарларнинг умумий қиймати (1-жадвал), айрим ҳолатларда – миқдорий тавсифлари (2-жадвал) ҳисобға олинади.

1-жадвал

Божхона чегарасини кесиб ўтиш тартиби	Сумма (АҚШ долларлари)
Халқаро аэропортлар орқали	2 000
Темир йўл ва дарё ўтиш пунктлари орқали	1 000
Автойўл (пиёда) ўтиш пунктлари орқали	300
Халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларида келиб тушадиган товарлар	1 000 (бир календарь ой мобайнида)

Илгари товарларни божсиз олиб киришнинг чегаравий нормалари бошқача белгиланар эди. Чегарадош давлатлардан (Афғонистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон) 10 АҚШ долларилек, қолган давлатлардан, шу жумладан почта ёки курьерлик жўнатмалари воситасида – 1 000 АҚШ долларилек товарлар олиб келиш мумкин эди.

2-жадвал

Товар номи	1 киши олиб кирадиган нормаси (умумий миқдори)
Алкоғолли маҳсулотлар, шу жумладан пиво	2 литрдан кўп эмас
Тамаки маҳсулотларининг барча турлари	10 қутидан кўп эмас
Атир ва пардоз суви	3 бирликдан кўп эмас
Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари	65 граммдан кўп эмас

Кўриниб турибдики, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини олиб кириш нормалари аввалгидек сақлаб қолинди. Қолган позициялар бўйича: илгари парфюмерия – ҳар бир номланишдан 2 бирликдан, заргарлик буюмлари эса – умумий оғирлиги 30 граммдан ошмаган ҳолда 5 дона олиб киришға йўл қўйилган.

Бу – муҳим! 2-жадвалда кўрсатилган товарлар қиймати 1-жадвалда кўрсатилган товарларни божсиз олиб киришнинг чегаравий нормаларига киритилади.

Жисмоний шахс, агар товарларнинг қиймати 3 000 АҚШ долларидан ошмаса, уларни божхона декларацияси

циясини тақдим этмасдан мамлакатдан олиб чиқиб кетишға ҳақли. Бунда айрим ҳолатларда олиб чиқиб кетиладиган товарларнинг умумий оғирлиги белгиланган миқдорлардан ошмаслиги керак (3-жадвал).

3-жадвал

Товар номи	1 киши олиб чиқиб кетадиган норма (умумий оғирлиги, кг)
Гуруч	3
Нон-булка маҳсулотлари	5
Гўшт ва гўшти қўшимча маҳсулотлар	2
Шакар	2
Ўсимлик мойи	2
Янги ўзилган мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз экинлари, дуккакли ўсимликлар, шунингдек қуритилган мева ва сабзавотлар	40

Бу – муҳим! Мамлакатимиздан олиб чиқиб кетиладиганда ушбу маҳсулотларнинг қиймати 3 000 АҚШ долларилек чегаравий миқдорға киритилади.

Товарларни мажбурий ёзма декларацияламасдан тасдиқланган нормаларда олиб кириш ва олиб чиқишға йўл қўйилади (халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларидан ташқари). Кўрсаткичлар оширилган тақдирда, божхона расмийлаштирувнинг умумий қоидалари қўлланилади. Биринчи ҳолатда божхонадан «яшил» йўлак орқали, иккинчи ҳолатда эса – фақат «қизил» йўлак орқали ўтиш мумкин.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 8.02.2018 йилдан кучға кирди.

Хоразм вилоятида 5 та кичик саноат зонаси барпо этилди

Президентнинг 6.02.2018 йилдаги ПҚ-3513-сон қарори билан Хоразм вилоятида давлат мулки объектларини тадбиркорлик субъектларига сотиш ва кичик саноат зоналарини барпо этишға доир чора-тадбирлар белгиланди.

Хужжат билан 5 та янги кичик саноат зонаси (КСЗ): Урганч шаҳрида (2 та КСЗ), Урганч, Ҳазорасп ва Шовот туманларида барпо этилди. Уларда ягона дирекция бўлади.

Эслатиб ўтамиз, кичик саноат зонаси – муҳан-дисциплин-техника коммуникациялари билан таъминланган ишлаб чиқариш майдонлариدير.

Хоразм КСЗда жойлашган давлат кўчмас мулки тадбиркорлик субъектларига ноль даражали ставкада 5 йилға ижараға берилади. Кейинчалик ушбу мол-мулк ижараға олувчилар мулкиға ўтади, башарти:

- бизнес-режа параметрлари бажарилса;
- иш ўринлари яратилса ва сақланса;
- барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ўз вақтида тўланса.

«Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси ва Хоразм вилоят КСЗдаги инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси 50 млн доллар миқдорида кредит линиясини очади. Маблағлар импорт қилинадиган асбоб-ускуналар ва уларға бутловчи буюмларни харид қилишға йўналтирилади. Кредитни эса тўловлар жадвалиға кўра сўндиришға қунидаги курс бўйича миллий валютада сўндиришға рухсат этилади.

Инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш ва янги иш ўринларини яратиш шарти билан танлов асосида «ноль даражали» харид қийматида сотиладиган 9 та фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари рўйхати ҳам тасдиқланди.

Хоразм вилоятидаги туманлар (шаҳарлар) ҳокимла-



риға эса «Давлат мулкини ижараға бериш маркази» ДУК билан биргаликда республика давлат бошқаруви органлари балансидаги фойдаланилмаётган кўчмас мулкини 1 йилға муддатта ижараға бериш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилди. Балансда сақловчилар ҳокимнинг тегишли мурожаатидан кейин 2 ой давомида уларни ижараға бермасалар, ана шундай бўлади.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 8.02.2018 йилдан кучға кирди.



Ходимлар учун туристик тур сотиб олганга – солиқ имтиёзлари

Президентнинг 7.02.2018 йилдаги ПҚ-3514-сон қарори билан туристик турларни сотиб олганда ва туристик инфратузилмани сақлаш соҳасида солиқ имтиёзлари жорий этилмоқда.

2018 йил 10 февралдан бошлаб (қуйидаги жадвалга биноан) алоҳида субъектларга 3 йил муддатга солиқ имтиёзлари жорий этилмоқда:

Субъект	Солиқлар бўйича имтиёзлар
Иш берувчи	Туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича лицензияга эга бўлган субъектлардан ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун республика бўйлаб туристик йўлланмаларни сотиб олиш харажатлари ходимнинг даромади сифатида қўриб чиқилмайди ҳамда юридик шахсдан олинadиган фойда солигини ҳисоблаб чиқишда чегириб қолинади.
Жисмоний шахс	Солиқ солинадиган даромадлар ички туристик йўлланмаларни туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича лицензияга эга бўлган субъектлардан сотиб олишга йўналтирилган харажатлар суммасига камайтирилади. Туристик йўлланма (айирбошланадиган ваучер), авиа ва темир йўл чипталари, автотранспорт ташкилотларининг ҳисоб-фактуралари (чипталари) ва жойлаштириш воситалари чеклари тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади.
Туристик фаолият субъектлари	Солиқ солинадиган база Ўзбекистон туризм бренди ва «Uzbekistan. travel» сайти рекламаси бўлган босма маҳсулотлари (<i>хафталар, рисоалар, буклетлар, флаерлар ва бошқалар</i>), сувенир ва қадқолаш маҳсулотларини (<i>сумкалар, пакетлар, мактаб дафтарлари, ёрликлар, гилосфлар, кийим-кечаклардаги ва ошхона анжомларидаги ёзувлар</i>) тайёрлаш ва чоп этишга йўналтириладиган харажатлар суммасига камайтирилади.

Тикорат банклари Ўзбекистон фуқароларига туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича лицензияга эга бўлган субъектлардан ички туристик турларни сотиб олиш учун кредитни иш ҳақи ҳисобидан қоплаш имконияти билан 10 млн сўмгача истеъмол кредитлари ажратади.

Фойдаланилмаётган ерлар – инвесторларга туризм соҳасидаги лойиҳалар учун

Туризмни ривожлантириш учун юқори салоҳиятга эга туман ва шаҳарларда жойлашган ҳамда асосан муҳандислик коммуникациялари билан

таъминланган фойдаланилмаётган ер участкалари 3 ой муддатда хатловдан ўтказилади ҳамда ажратилади. Бундай туманлар (шаҳарлар) рўйхати қарор билан тасдиқланди.

Кейинчалик бу ерлар ҳар бир ҳудудда умумий майдони камида 20 гектар бўлган 20 та ер участкаси ҳисобидан келиб

чиқиб, туризм соҳасидаги лойиҳаларни (меҳмонхоналар, меҳмонхона уйлари, кемпинглар, мотеллар ва бошқа жойлаштириш воситалари, тематик хибонлар, музейлар, галереялар ва бошқа иншоотлар қуриш) амалга ошириш мақсадида тadbиркорлик субъектлари ҳамда бўлғуси инвесторларга тақдим этилади.

Туристик инфратузилма объектларини сақлаш соҳасида солиқ имтиёзлари

Бир ой муддатда (қуйидаги жадвалга биноан) хўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ солинадиган базани бир қатор харажатлар турларига камайтириш тартиби тасдиқланади:

Солиқ солинадиган база камайтириладиган харажатлар суммаси	Харажатлар тури
100 млн сўмгача	2020 йилнинг 1 январига қадар замонавий санитария-гигиена тармоқларини қайта тиклаш, капитал таъмирлаш ва қуришга йўналтирилган харажатлар
12 млн сўмгача	Ҳар йили 2025 йилнинг 1 январига қадар қуйидагиларни сақлашга йўналтириладиган харажатлар: 1) санитария-гигиена тармоқларини (<i>фаррошлар иш ҳақи, гигиена, тозалаш ва ювиш воситаларини сотиб олиш, коммунал харажатларни тўлаш</i>); 2) туризм инфратузилмаси объектлари: тарихий ва меъморий ёдгорликлар, музейлар, театрлар, маданият уйлари, умумий овқатланиш пунктлари, хизмат кўрсатиш объектлари, АЁҚШлар, автомобиллар учун вақтинча тўхташ жойлари, йўлбўйи инфратузилмасининг сервис хизматлар кўрсатиладиган ҳудудлари, бозорлар, расталар, дўконлар ва одамлар гавжум бўладиган бошқа жойларни.

Замонавий санитария-гигиена тармоқларини яратиш лойиҳаларини амалга оширадиган тadbиркорлик субъектлари ва бўлғуси инвесторларга шаҳарлар ва туманларнинг тегишли қисмларида реклама ва ихчам савдо нуқталари учун жойлар тақдим этилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 8.02.2018 йилдан кучга кирди.

Ўзбекистонда ички туризм ривожлантирилади

Президентнинг 7.02.2018 йилдаги ПҚ-3514-сон «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Аҳоли учун тур ва экскурсиялар

Ҳужжат билан «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» ички туризмни ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Дастурга кўра Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ёшлар иттифоқи, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла»

жамоат фонди ва «Нуроний» жамғармаси бир ой муддатда аҳолининг турли қатламлари учун ҳудудлар ҳамда жалб этилган ташкилотлар миқёсида турлар ва экскурсияларни ташкил қилиш жадвалларини тасдиқлайди.

Дастур доирасида Ўзбекистон фуқароларига турларни ташкил қилиш харажатлари қуйидаги маблағлар ҳисобидан қопланади:

Аҳоли тоифаси	Молиялаштириш манбалари
Таълим муассасалари ўқувчилари	Ўз маблағлари; Ёшлар иттифоқи маблағлари.
Ташкилотлар ходимлари	Ўз маблағлари; иш берувчи маблағлари (<i>бюджет ташкилотлари учун – ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари</i>); жамоавий шартномаларга мувофиқ бошқа маблағлар.
Етим болалар, кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногиронлиги бўлган шахслар, уларнинг умумий сонидан камида 20%и қамраб олинмиш таъминланган ҳолда	хайрия маблағлари; ҳар йили Давлат бюджети кўрсаткичларида назарда тутилган маблағлар.
Пенсионерлар ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари	Ўз маблағлари; «Нуроний» жамғармасининг маблағлари; хайрия маблағлари.
Фаол хотин-қизлар	Ўз маблағлари; Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси маблағлари; «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари; хайрия маблағлари.
Маҳалла фаоллари ва ёш оилалар	Ўз маблағлари; «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари.

Республиканинг барча шаҳарларида ички туризмнинг ташқи рекламаси тайёрланади ва ўрнатилади. Уни марказий кўчалар, аҳоли гавжум жойлар ҳамда трассаларда жойлашган шчитлар, экранларда ўрнатилади. Бунинг учун ҳар бир ҳудудда камида 100 та жой ажратилади.

Ходимларни саёҳат қилишида рағбатлантириш

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига қуйидагилар тавсия этилади:

➤ бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига ўз ходимларининг камида 10%ини

оила аъзолари билан биргаликда ҳар йили дам олишга (ички туризмга) юбориш;

➤ ходимлар учун қулай бўлган вақтда саёҳат қилиш ва дам олиш учун таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми ҳисобидан дам олиш кунлари (отгул) бериш;

➤ ҳар йили 30 декабргача давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари учун туристик-саёҳат турларини ташкил қилиш жадвалларини тасдиқлаш.

Бунда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси қуйидаги кўринишда ёрдам кўрсатади:

➤ гуруҳли саёҳатларни ташкил қилиш учун маҳаллий тuroператорлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

➤ меҳмонхона ва транспорт ташкилотларига ташкил этилган турлар, шу жумладан яшаш ва келиб-кетиш (учиб бориш) учун имтиёзлар тақдим этиш бўйича таклифлар юбориш.

Реклама-тарқатиш материалларига алоҳида эътибор

Туризм объектлари (меъморий ёдгорликлар ва бошқалар) ҳамда инфратузилмаси (меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситалари, туристик йўналишлар ва бошқалар) жойлашган жойларнинг белги-ишоралари ва кўрсаткичларини ўз ичига олган тематик туристик хариталар ададини кўпайтириш ва уларни тарқатишга картография ишларини амалга ошириш учун лицензия (рухсатнома) олиниши талаб этилмайди.

Туристарга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар (давлат музейлари, галереялар, маданий мерос объектлари ва қўриқланадиган табиий ҳудудлар маъмуриятлари ва бошқалар) ўз фаолиятдан тушадиган тушумларнинг камида 5%ини реклама-тарқатиш материалларини тайёрлаш ва ададини кўпайтириш учун мажбурий тартибда

йўналтиради. Бунда ушбу мақсадларга йўналтирилган харажатлар суммаси бу ташкилотларнинг солиқ солинадиган базасидан чиқариб ташланади.

Ҳудудларда кичик туризм зоналари ташкил этилади

Тadbиркорлик субъектларига ер участкаларини ажратишнинг соддалаштирилган механизмни жорий этган ҳолда ҳудудларда кичик туризм зоналари ташкил этилади. Бундай зоналарга кичик саноат зоналари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қоидалари татбиқ этилади.

Электрон дастур орқали вақтинчалик рўйхатдан ўтилади

3 ой муддатда ташриф буюрувчиларни рўйхатда олиш бўйича махсус электрон автоматлаштирилган дастурда жойлаштириш воситалари орқали хусусий уйлارга (хонадонларга) меҳмонларни вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш тартиби жорий этилади. Бунда туристик йиғимлар, меҳмонхона хизматларини сертификатлаш ҳамда жойлаштириш воситаларининг жавобгарлик қоидалари сақлаб қолинади.

Меҳмонхона лойиҳалари тadbиркорларга бегараз берилади

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси туризм тоифасига оид меҳмонхоналар ва меҳмонхона уйларидаги намунавий лойиҳаларини, шу жумладан хорижий лойиҳа ташкилотларидан сотиб олади. Кейинчалик ушбу лойиҳаларни туризм инфратузилмаси объектларини қуриш ташаббусини кўрсатган тadbиркорлик субъектларига бегараз тақдим этилади.

Ҳужжат билан муайян солиқ имтиёзлари ҳам жорий этилмоқда.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 8.02.2018 йилдан кучга кирди.

Самир Латипов, Олег Заманов, Ленера Хикматова, «Norma» МЧЖ экспертлари.



РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

– «Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида».

• ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ:

– ЎЗР ДСҚнинг «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

• МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РҲҲАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ Тўғрисида 2018 йил 13 январдан 19 январгача бўлган маълумот.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН НАҚД ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОЖХОНА ЧЕГАРАСИ ОРҚАЛИ ОЛИБ КИРИШ ВА ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШ ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

(Кўчирма)

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 5.02.2018 йилдаги 5 (817)-сон, 84-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 6 декабрдаги ПФ-5276-сон Фармонида мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-

ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – «Ўзагротехсанотхолдинг» АЖ бошқаруви раиси Н.С. Отажонов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.В. Тоҳирий зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А.АРИПОВ.

Тошкент ш.,
2018 йил 30 январь
66-сон.

ЎЗР ВМнинг 2018 йил 30 январдаги 66-сон қарорига
1-ИЛОВА

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН НАҚД ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОЖХОНА ЧЕГАРАСИ ОРҚАЛИ ОЛИБ КИРИШ ВА ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШ ҚОИДАЛАРИ

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 6 декабрдаги ПФ-5276-сон Фармонида мувофиқ жисмоний шахслар (Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари) томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибини белгилайди.

Ушбу Қоидалар дипломатик дахлсизликка эга бўлган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Жисмоний шахслар томонидан олиб кирилаётган ва олиб чиқиб кетилаётган 2000 (икки минг) АҚШ доллари эквивалентидан ортиқча миқдордаги нақд хорижий валюта унга декларация тўлдирish ва божхона органи ҳодимига тақдим этиш йўли билан божхона назоратидан ўтказилади.

Бунда йўловчи божхона декларациясида олиб кирилаётган ёки олиб чиқиб кетилаётган нақд хорижий валютанинг жами суммаси кўрсатилади.

3. Жисмоний шахснинг хоҳишига кўра эквиваленти 2 000 (икки минг) АҚШ долларига тенг ёки ундан ошмайдиган миқдордаги нақд хорижий валюта декларацияланиши мумкин.

2-БОБ. НАҚД ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАНИ ОЛИБ КИРИШ

4. Жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудига божхона назорати қоидаларига риоя қилган ҳолда чекланмаган миқдорда нақд хорижий валютани олиб киришга рухсат этилади.

3-БОБ. НАҚД ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАНИ ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШ

5. Ўзбекистон Республикаси ташқарисига нақд хорижий валютани эркин олиб чиқиб кетиш жисмоний шахсларга эквиваленти 5 000 (беш минг) АҚШ долларига тенг ёки ундан ошмайдиган миқдорда божхона назорати қоидаларига риоя қилган ҳолда рухсат этилади.

Белгиланган суммадан ортиқча маблагни олиб чиқиб кетиш:

резидентлар томонидан – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг рухсатномаси асосида амалга оширилади, ушбу рухсатномада олиб чиқиш кетиладиган нақд хорижий валютанинг жами суммаси кўрсатилади;

норезидентлар томонидан – Ўзбекистон Республикасига кириш чоғида тўлдирилган йўловчи божхона декларацияси асосида амалга оширилади, ушбу декларацияда нақд хорижий валюта суммаси олиб чиқиш кетиладиган нақд хорижий валюта суммасидан кам бўлмаган миқдорда кўрсатилган бўлиши лозим.

Норезидентлар – республикада белгиланган тартибда ташкил қилинган мусобақалар, танлов ва олимпиадаларнинг совриндорлари ёки қатнашчилари томонидан белгиланган суммадан ортиқча нақд хорижий валюта олиб чиқиш кетиладиган нақд хорижий валюта олинганлигининг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжат улар томонидан ушбу нақд хорижий валютани олиб чиқиш кетиш учун асос ҳисобланади.

6. Эквиваленти 5 000 (беш минг) АҚШ долларидадан ортиқча

нақд хорижий валютани олиб чиқиш кетиш учун асос бўлган ҳужжати бошқа шахсларга беришга йўл қўйилмайди.

7. Резидент томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг рухсатномасини ва норезидент томонидан Ўзбекистон Республикасига кириш чоғида тўлдирилган йўловчи божхона декларациясини ишлатиш бир мартаба амалга оширилади ва келгусида эквиваленти 5 000 (беш минг) АҚШ долларидадан ортиқча нақд хорижий валютани олиб чиқиш кетиш учун асос сифатида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

4-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

8. Жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтаётганларида нақд хорижий валютанинг ҳаққоний ва тўғри декларацияланганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

9. Жисмоний шахслар божхона органлари ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

ЎЗР ВМнинг 2018 йил 30 январдаги 66-сон қарорига
2-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ҲИСОБЛАЁТГАН АЙРИМ ҚАРОРЛАРИ РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада нақд хорижий валютанинг муомалада бўлишини тартибга солиш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида» 1996 йил 31 октябрдаги 376-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларини тўлиқ ёки қисман ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳамда айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 1998 йил 16 апрелдаги 161-сон қарорига 2-иловланинг 9-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 22 июндаги 263-қарорига илованинг 1-банди тўртинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 6-сон, 30-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси божхона чегаралари орқали жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва

олиб чиқиш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида» 2009 йил 5 октябрдаги 268-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2009 й., 41-сон, 442-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида» 2016 йил 20 январдаги УРҚ-400-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» 2016 йил 20 январдаги УРҚ-401-сон қонунлари)» 2016 йил 20 июндаги 211-сон қарорига 1-иловланинг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 6-сон, 59-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING ҚАРОРИ

«ЧАКАНА САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИДА НАЗОРАТ ХАРИДИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА»ГИ ҚАРОРГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2018 йил 22 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2475-4

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 29.01.2018 йилдаги 4 (816)-сон, 76-модда)

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 августдаги ПҚ-3168-сон «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 27 майдаги 2013-26-сон «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низоми

тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2475, 2013 йил 28 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 26-сон, 349-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирида.

Давлат солиқ қўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.

Тошкент ш.,
2017 йил 31 декабрь
2017-73-сон.

«ЧАКАНА САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИДА НАЗОРАТ ХАРИДИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА»ГИ ҚАРОРГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. Қарор муқаддимаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сон «Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**».
2. Низомда:
 - а) 1-банддан «, шу жумладан нақд чет эл валютасидаги ҳисоб-китобларга» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
 - б) 4 ва 5-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «4. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши томонидан қисқа муддатли текшириш ўтказишга рўхсат берилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органининг текшириш ўтказиш учун масъул ходимлари назорат хариadini ўтказиш учун нақд пул маблағларини тегишли давлат солиқ хизмати органи кассасидан олади.
5. Нақд пул маблағларини беришда уларнинг қиймати,

- банкнотларнинг серияси ва рақамлари алоҳида варақда қайд этилиб, чиқим касса ордерига илова қилинади. Бунда пул маблағларининг қиймати, серияси ва рақамлари ёзилган варақча нусхаси тегишли давлат солиқ хизмати органининг масъул ходимларига берилади.»;
- в) 20-банддан «миллий валютадаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
- г) 22 ва 23-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
- д) 24-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «24. Солиқ текширувларини ўтказиш учун олинган нақд пул маблағлари тегишли давлат солиқ хизмати органи кассаларида Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларида (рўйхат рақами 2687, 2015 йил 22 июнь) белгиланган тартибда сақланади.»;
- е) иловадан «миллий валютанинг қиймати ёки» ва «қайтим миқдори, валюта тури,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА
ИДОРАЛАРИНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ
ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА
2018 ЙИЛ 13 ЯНВАРДАН 19 ЯНВАРГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

1. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 15 январдаги 26-мқ-сон «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.
- 2018 йил 15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2090-16.
2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 15 январдаги 27-мқ-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.
- 2018 йил 15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-5.
3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертифициклаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сон «Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига гигиеник сертификати бериш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.
- 2018 йил 15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1525-1.
4. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 6 январдаги 01/10-10/03-сон «Корхоналарни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича салмоқли сармоя киритиш шарти билан назорат пакетини ташкил қилмаган акция пакет (улуш)ларини сотиб олган инвесторларга давлат улушини бошқариш ҳуқуқини бериш тартиби

- тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.
- 2018 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1504-5.
5. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 6 январдаги 01/10-10/04-сон «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги объектларни, объект эгасига илгари хусусийлаштиришга қилинган харажатларни қайтарган ҳолда қайта сотиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.
- 2018 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1206-2.
6. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2018 йил 9 январдаги 1-мқ-сон «Ўзбекистон Республикасида футбол клуби тўғрисидаги намунавий низоми, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.
- 2018 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 218-2.
7. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2018 йил 8 январдаги 66-сон «Амударё бассейнида эксплуатация қилинаётган ички сузиш кемаларига регистр талабларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.
- 2018 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 770-1.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 10 январдаги 7, 2, 2017/09-17, 2018-03, 01-02/8-2-сон «Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1932-2.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2017 йил 29 декабрдаги 72, 190-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида узоқ муддатли учрашуларга хоналар тақдим этганлик учун тарифларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2964.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 29 декабрдаги 189, 2017-69, 01/15-1/10-36-сон «Сўғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун сўғурта-ловчиларга жазима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низоми»нинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1842-5.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви-нинг 2017 йил 30 декабрдаги 35/3-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслар томонидан чет эл валютасида касса операцияларини юритиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 611-4.

II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг «Корхоналарни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш бўлими салмоқли сармоя киритиш шарти билан назорат пакетини ташкил қилмаган акция пакет (улуш)ларини сотиб олган инвесторларга давлат улушини бошқариш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1504, 2005 йил 5 август), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1504-1, 2010 йил 7 апрель), (рўйхат рақами 1504-2, 2013 йил 15 ноябрь), (рўйхат рақами 1504-3, 2015 йил 25 июнь), (рўйхат рақами 1504-4, 2017 йил 19 декабрь).

Адлия вазирлигини 2018 йил 16 январдаги 30-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги объектларни, объект эгасига илгари хусусийлаштиришга қилинган ҳаракатларни қайтарган ҳолда қайта сотиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1206, 2003 йил 22 январь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1206-1, 2014 йил 3 июнь).

Адлия вазирлигини 2018 йил 16 январдаги 31-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикасида футбол клуби тўғрисидаги намунавий низоми (рўйхат рақами 218, 1996 йил 26 январь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 218-1, 2017 йил 13 ноябрь).

Адлия вазирлигини 2018 йил 16 январдаги 32-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Амударё бассейнида эксплуатация қилинаётган ички

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви-нинг 2017 йил 30 декабрдаги 35/6-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-14.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси-нинг 2018 йил 5 январдаги 01-02/12-1-сон «Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2606-3.

14. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2018 йил 11 январдаги 106-Н-сон «Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудиде фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-91) ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1723-9.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2018 йил 17 январдаги 41-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 170-1.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабат-лари вазирлигининг 2018 йил 8 январдаги 1-2018, 1-мх, 2-қ/к-сон «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2965.

сузиш кемаларига регистр талаблари (рўйхат рақами 770, 1999 йил 9 июль).

Адлия вазирлигини 2018 йил 16 январдаги 33-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Давлат божхона қўмитасининг «Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1932, 2009 йил 31 март), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1932-1, 2014 йил 13 июнь).

Адлия вазирлигини 2018 йил 16 январдаги 34-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикасида реализация қилинадиган халқ истеъмол товарларига шартномавий (эркин) чакана нархларни белгилаш вақтинчалик тартиби (рўйхат рақами 170, 1995 йил 7 сентябрь).

Адлия вазирлигини 2018 йил 17 январдаги 41-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат вазирлигининг «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2834, 2016 йил 24 октябрь), шунингдек унга қўшимча (рўйхат рақами 2834-1, 2017 йил 21 апрель).

Адлия вазирлигини 2018 йил 18 январдаги 42-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Автони расмийлаштириш учун энди оширилган ставка қўлланилмайди

Президентнинг 29.12.2017 йилдаги ПҚ-3454-сон қарори билан Давлат божни ставкаларига (ВМнинг 3.11.1994 йилдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган) ўзгартиришлар киритилди.

2008 йилдан бошлаб Ўзбекистонда энгил автомобилдан фойдаланиш ва (ёки) уларни тасарруф этиш ҳуқуқига ишончномаларни, олди-сотди, алмаштириш, ҳада этиш, рента, ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаров (кредит ташкилотлари билан гаров шартномасидан ташқари), лизинг шартномаларини тасдиқлаганлик учун оширилган ставка қўлланилар эди.

2018 йилдан бу тартиб амал қилмаяпти. Автонинг «ёши» ҳануз давлат божни миқдорига таъсир кўрсатади, бироқ ставкалар анча паст:

Транспорт тури	Фойдаланиш муддатига боғлиқ ҳолда		
	3 йилгача	3 йилдан ортиқ	7 йилдан ортиқ
Юк ташувчи ва энгил автотранспорт, шу жумладан, автобус, трактор, ўзиюрар машина	ЭКИХнинг 10%и	ЭКИХнинг 7%и	ЭКИХнинг 5%и
Чет элда ишлаб чиқарилган автотранспорт	ЭКИХнинг 30%и	ЭКИХнинг 20%и	ЭКИХнинг 10%и

Бундан ташқари, жадвалда кўрсатилган ставкалар қуйидаги шартномаларни расмийлаштиришда камайтирилади:

➤ эр-хотинлар, ота-оналар, болалар ва бабиралар, туғишган ака-укалар ва ола-сингиллар ўртасида – белгиланган ставканинг 5%и миқдориди ундирилади;

➤ банк кредитлари ҳисобига сотиб олинган автонинг олди-сотдиси

У ҳар бир от кучи учун ЭКИХнинг 5 бараварини ташкил этган ва:

➤ фойдаланиш муддати ишлаб чиқарувчининг расмий дилерларидан харид қилинган кундан бошлаб 1 йилдан ошмаган;

➤ импорт қилиш (олиб келиш) санасидан 1 йилдан кам муддат ўтган ватанимизда ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган машиналарга нисбатан амал қилган.

белгиланган ставканинг 10%и миқдориди ундирилади;

➤ ИТХ натижасида шикастланган автотототранспортнинг олди-сотди, алмаштириш ва ҳада этиш – бож миқдори унинг яроқчилигининг қолдиқ фоизига қараб ўзгартирилади.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 31.12.2017 йилдан кучга кирди.

ЙПХ ва ППХ ходимлари видеокамералар билан таъминланади

ИИО ходимлари томонидан содир этиладиган порахўрлик ва бошқа суиистеъмолликларни олдини олиш бўйича амалий чора-тадбирлар 2018 йил учун Давлат дастуридан ўрин олган (Президентнинг 22.01.2018 йилдаги ПФ-5308-сон Фармони билан тасдиқланган).

ИИБ, Молия вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига жорий йилнинг 20 сентябрга қадар жамоат хавфсизлигини таъминлашда ИИО фаолиятига очиқлик ва шаффофлик механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқиш топширилган.

Хусусан, йўл-патруль ва патруль-пост хизматининг барча ходимлари

улар томонидан ўз хизмат вазифалари бажарилишининг бориши, айниқса, фуқаролар билан мулоқот қилиш жараёнини қайд этиш имконини берувчи видеокамералар билан таъминланиши керак.

Ушбу ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 23.01.2018 йилдан кучга кирди.

ЙХҚни бузган дипломатлар дипломатик ваколатхоналар билан келишмаган ҳолда жаримага тортилади

ТИВ, ИИБ ва Олий суд қарори (АВ томонидан 26.01.2018 йилда 2338-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек уларга тенглаштирилган ташкилотлар ходимларига нисбатан йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш ҳақидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритилди.

Дахлсизликдан фойдаланувчи шахслар ЙПХ ходими билан муносабатга киришганда (масалан, транспорт воситаси тўхтатилганда) улар мақоми-

дан қатъи назар ЙПХ ходимларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишга мажбур:

➤ аккредитация картчаси;

➤ транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси;

➤ транспорт воситасининг дипломатик ваколатхонага тегишлилигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

Дахлсизликдан фойдаланувчи шахслар Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тўғрисидаги низомда (ВМнинг 8.05.2001 йилдаги 207-сон қарорига 1-илова) келтириб ўтилган.

Бундан ташқари, судлар ва бошқа ваколатли органлар дипломатик ваколатхона билан келишмаган ҳолда дахлсизликдан фойдаланувчи шахсларга нисбатан ЙХҚни бузганлик учун маъмурий жазоларни қўллаш ҳуқуқига эга бўлишди. Эслатиб ўтамиз, илгари бундай келишув ТИВнинг Дипломатик сервис хизмати (ТИВ ДСХ) орқали олинарди.

Шу билан бир қаторда, бундай транспорт воситасида ЙХҚни бузиш камераларга қайд этилади. ЙХҚ бузилиши ҳолати махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали аниқланган тақдирда маъмурий жавобгарликка дипломатик ваколатхонанинг транспорт воситасидан фойдаланиш учун масбул бўлган шахси ёки транспорт воситасининг мулкдори (агар у жисмоний шахс номига расмийлаштирилган бўлса) тортилади.

Транспорт воситасининг мулкдори – жисмоний шахс ўзига тегишли бўлган транспорт воситасидан фойдаланиб содир этилган, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тех-

ника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарликлари учун қуйидаги ҳолатларда маъмурий жавобгарликдан озод этилади:

➤ маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор устидан берилган шикоятни кўриб чиқиш жараёнида тегишли транспорт воситасига ҳуқуқбузарлик қайд этилган пайтда эгаллик қилган шахс аниқланса;

➤ мазкур транспорт воситаси бошқа шахсларнинг fairхуқуқий хатти-ҳаракатлари натижасида транспорт воситаси мулкдорининг эгаллигидан чиқи кетганлиги аниқланса (МЖТКнинг 17-1-моддаси).

Шунингдек айрим таомил жиҳатлари ҳам ўзгарди:

➤ дахлсизликдан фойдаланувчи шахслар томонидан жарима тўланиши энди умумий тартибда амалга оширилади (илгари – ТИВ ДСХ кассаси орқали);

➤ дахлсизликдан фойдаланувчи шахслар томонидан ЙХҚнинг бузилиши бўйича умумлаштирилган тематик ахборотномани юбориш аниқ белгиланмаган даврийликда амалга оширилади (илгари – ҳар чоракда);

➤ Дипломатик маълумотномада жарималарни мунтазам тўламайдиган бундай шахсларнинг «қора рўйхати»ни эълон қилиш зарурат бўлган тақдирда амалга оширилади (илгари – бундай эълон қилиш расман мажбурий бўлган).

Ушбу ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 26.01.2018 йилдан кучга кирди.

Автомобиллар билан боғлиқ битимлар автоматик ҳисобга қўйилади

Адлия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 15.01.2018 йилда 2090-16-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Эслатиб ўтамиз, 2018 йил 1 январдан эътиборан автотранспорт воситасидан фойдаланиш ва (ёки) уни тасарруф этиш ҳуқуқи учун ишончномаларнинг, автотранспорт воситасининг ижара, текин фойдаланиш, гаров, лизинг шартномаларининг фуқаролар томонидан ДИХХХ бўлинмаларида ҳисобга қўйилиши тўғрисидаги талаб бекор қилинган. Шу билан бирга нотариуслар томонидан уларнинг электрон шаклини жўнатиш тартиби жорий этилди. Яъни ҳисобга қўйиш автоматик равишда амалга оширилади (Президентнинг 11.07.2017 йилдаги ПҚ-3127-сон қарори).

Қабул қилинган ҳужжатга мувофиқ эндиликда нотариуслар «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ДИХХХ органларига ҳисобга қўйиш учун нафақат айтиб ўтилган битимлар тўғрисидаги маълумотларни, балки автотранспорт воситаларини бошқа шахсга бериш (олди-сотди, алмаштириш, ҳада қилиш, рента) шартномалари тўғрисидаги маълумотларни ҳам юборади. Нотариуслар томонидан юбориладиган тасдиқланган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқ рўйхати қуйидаги тарзда:

➤ автотранспорт воситаларини бошқа шахсга бериш шартномалари тўғрисида (илгари автомобилнинг техник паспортида бошқа шахсга ўтказилганлиги тўғрисида қайд қўйиларди);

➤ автотранспортни ижарага бериш билан боғлиқ ишончномалар тўғрисида;

➤ транспорт воситасини бошқариш учун ишончномалар тўғрисида (илгари ишончномага уни 10 кун ичида ДИХХХ органларида ҳисобга қўйиш зарурлиги ва ушбу талабни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисида қайд қўйиларди);

➤ автотранспорт воситасидан текин фойдаланиш шартномалари тўғрисида;

➤ автотранспорт воситасининг лизинг шартномалари (илгари ишончномага уни 10 кун ичида ДИХХХ органларида ҳисобга қўйиш зарурлиги ва ушбу талабни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисида қайд қўйиларди).

Ушбу ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 15.01.2018 йилдан кучга кирди.

ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Техник кўриқдан ўтказиш учун янги тарифлар жорий этилди

Вазирлар Маҳкамасининг қарори (22.12.2017 йилдаги 1010-сон) билан транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Эслатиб ўтамиз, Президентнинг 11.07.2017 йилдаги ПҚ-3127-сон қарори билан 2018 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказишни юридик шахслар – тадбиркорлик субъектлари ва бошқача-бошқич ўтказиш кўзда тутилган. Ҳозирги пайтда бу функцияни ИИБнинг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (ДИХХХ) бўлинмалари бажаради.

Юридик шахслар – тадбиркорлик субъектлари куйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

➤ 2018 йил 1 январдан бошлаб – транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказишда жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш;

➤ 2019 йил 1 январдан бошлаб – бевосита мажбурий техник кўриқдан ўтказиш.

Транспорт тоифаси – фақат М1

Шу тариқа, жорий йилдан бошлаб жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш:

➤ ДИХХХнинг диагностика станциялари;

➤ вазирликлар ва идораларнинг, бошқа ташкилотларнинг, шунингдек, хусусий техник хизмат кўрсатиш станциялари (ТХС);

➤ тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар томонидан ўтказилиши мумкин.

Айнан қарерга мурожаат қилишни авто эгаларининг ўзлари ҳал қилади. Бунда хусусий ташкилотлар фақат йўловчилар ташиш учун мулкланган ва ҳайдовчи ўрнидан ташқари ўтириш учун 8 тадан кўп бўлмаган

ўриндиқларга эга М1 тоифадаги транспорт воситаларига техник кўриқдан ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатиши мумкин.

Хизматлар кўрсатиш учун Ўзстандарт хулосаси зарур

ДИХХХнинг диагностика станциялари, ТХС ва хусусий ташкилотлар фақат Ўзстандарт томонидан аккредитациядан ўтказилган, тегишли технологик жиҳозлар билан таъминланган ишлаб чиқариш-техник базасига эга бўлган тақдирда жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситаларининг техник ҳолатини текширишни ўтказишлари мумкин. Унинг мувофиқлиги мезонлари қарорда кўрсатилган.

Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини бошлагунга қадар тегишли ҳудудий ИХХБларини барча яратилган шароитларнинг мувофиқлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилишлари керак. Хатга куйидагиларнинг нусхаси илова қилинади:

➤ устав;

➤ Ўзстандартнинг ишлаб чиқариш-техник базаси аккредитациядан ўтказилганлиги ҳақидаги хулосаси;

➤ «Санотгеоконтехназорат» Дининг автотранспорт воситаларига ўрнатиладиган баллонларни текшириш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатномаси.

Ҳудудий ИХХБ хат қабул қилинган санадан бошлаб 3 иш куни ичида уни ўрганиб чиқади ва барча талабларга мувофиқ бўлган тақдирда тадбиркорни махсус ҳисобни юритиш реестрига киритади. ИХХББ тадбиркор хабардор қилинган пайтдан бошлаб 2 иш куни ичида уни ўз расмий веб-сайтига жойлаштириладиган реестрга киритади.

Рўйхатдан ўтказиш ҳудуди аҳамиятга эга

Техник ҳолатини текширишнинг мажбурий шарт – тадбиркорлик субъекти ёки унинг филиали ва автотранспортдан ўтказиш жойи бир ҳудудда бўлиши керак. Агар хизмат кўрсатиш ҳудудида бундай хизматлар кўрсатадиган бир неча субъектлар бўлса, кимга мурожаат қилишни транспорт эгасининг ўзи ҳал қилади.

Текшириш натижалари бўйича хусусий ташкилот машина эгасига маълумотнома беради. Унинг асосида техник кўриқдан ўтказиш натижалари ДИХХХ органларида расмийлаштирилади.

Техник кўрик – энди рўйхатдан ўтказишда ҳам

Энди автотранспорт воситалари уларни ДИХХХ органларида рўйхатдан (қайта рўйхатдан) ўтказишда илгари белгиланган навбатдаги техник кўриқдан ўтказиш муддатларидан қатъи назар техник кўриқдан ўтказилиши лозим.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 26.12.2017 йилдан кучга кирди.

Ленара Хикматова,
«Norma» МЧЖ эксперти.

БИЗГА МАКТУБ ЙЎЛЛАБСИЗ

Дипкорпус – умумий асосларда

Дипломатик муассасаларга тегишли автотранспорт учун мажбурий техник кўриқдан ўтказиш даврийлиги қандай?

Р.А. Тошкент ш.

– Ўзбекистон Республикаси ТИВда аккредитациядан ўтган хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларига, халқаро (давлатлараро, ҳукуматлараро) ташкилотлар ва уларнинг ваколатхоналарига, шунингдек ушбу ваколатхоналар ва ташкилотларнинг ходимларига ва

уларнинг оила аъзоларига қарашли бўлган транспорт воситалари умумий асосларда техник кўриқдан ўтказилади (ВМнинг 31.01.2003 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Низом).

Автотранспорт куйидаги даврийликка мувофиқ техник кўриқдан ўтказилиши керак:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик

габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар – 1 йилда 2 марта;

б) ишлаб чиқарилганлигига 5 йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага қиради) транспорт воситалари (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) – 2 йилда 1 марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига 5 йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) – 1 йилда 1 марта;

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси – шатакчи учун белгиланган муддатларда тақдим этилади.

ДИХХХ органларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб улардан фойдаланишнинг биринчи йили мобайнида транспорт воситалари техник кўриқдан ўтказилмайди, мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилганлардан ташқари.

«а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги: биринчи марта – 1 март – 30 июнда; иккинчи марта – 1 сентябрь – 31 октябрда ўтказилади.

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 март – 30 июнда ўтказилади.

Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январь – 31 августда ўтказилади.

Автомобиллар техник кўрикка белгиланган муддатлардан олдин тақдим этилиши мумкин.

Алла Ромашко.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
уринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Сайдмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари
буйича 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
мурожаат қилиш мумкин.

Газета нашр – «TOPPRINT» МЧЖнинг компьютер базасида терпиди ва саҳифаланди.
Нашр қўрилгани – 186. Қўлға олини – А3. Ҳажми – 2 босма тибок. Билоси келтирилган нарқда.
Бўғирта 86. Адади 365. Газета 2018 йил 12 февраль соат 14.00 да тошқилиди.